

Сийрат дарслари (166-дарс) Барча ишларни ўнг томондан бошлаш



17:00 / 31.12.2021 4492

607. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Кийим кийганингизда ва таҳорат қилганингизда ўнг томонингиздан бошланг»**, дедилар».

Абу Довуд, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам кўйлак кийсалар, ўнг тарафларидан бошлар эдилар», дейилган.

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

608. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз оёқ кийими кийганда ўнгидан бошласин. Агар ечадиган бўлса, чапидан бошласин.** (Бир пойида юрмасин): **ё икковини кийсин, ё икковини ечсин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

609. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ишларининг барчасида имкони борича ўнгдан бошлашни яхши кўрар эдилар: таҳоратларида ҳам, соч парваришларида ҳам, оёқ кийими кийишларида ҳам ва мисвок қилишларида ҳам».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

610. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким шуҳрат кийимини кийса, Аллоҳ унга Қиёмат куни унга ўхшаш кийим кийдиради. Сўнгра унга ўт қаланади»**, дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

611. Молик ибн Назла Жашмий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига хароб кийимда келдим. У зот: **«Молу муллинг борми?»** дедилар. «Ҳа», дедим. **«Қайси молу мулкдан бор?»** дедилар. «Туядан, қўйдан, отдан ва қулдан», дедим. **«Агар Аллоҳ сенга молу дунё берар экан, Аллоҳнинг сенга берган неъматининг ва икромининг асари кўринсин!»** дедилар».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан